



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 18-sentabr. Seshanba • 114 (31.546) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ

аввало оналарга кўрсатилаётган эътиборга боғлиқ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ХАЛҚАРО ИШЛАР ВА ПАРЛАМЕНТЛАРА ОЛОҚАЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЎЗБЕКISTONДА «СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА» МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ТАЖРИБАСИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ДЕПУТАТЛАР, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Семинарда 2011 йил ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Соғлом она — соғлом бола» халқаро симпозиуми Резолюцияси мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасига оид қонунлар, давлат дастурларини самарали ижро этиш устидан парламент назоратини кучайтириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикаси Президентини Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19-21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Корей Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, мин-

тақавий ва халқаро аҳамиятга мўлқ долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корей ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланади.

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКISTONДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

МАМЛАКАТИМИЗДА 12-14 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ «ЎЗБЕКISTONДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС

ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР НУФУЗЛИ АНЖУМАНДА ҚИРҚ БЕШДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ИККИ ЮЗ ЭЛЛИҚДАН Ортиқ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, БИЗНЕСМЕНЛАР, ОЛИМ ВА ЭКСПЕРТЛАР, НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРЛАРИ АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.



Такео КАВАГОЭ,

«Kawagoe Management Consulting» компанияси бошқарувчи директори (Япония):

— Юксак савияда ташкил этилган, бахс ва мунозараларга бой бўлган ҳамда қизиқарли ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро анжуман барча учун фойдали бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг конференцияда иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуманинг нуфузини янада оширди. Давлатингиз раҳбарининг нутқини тинглаб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бosh мақсади кучли, рақобатбардор миллий иқтисодиётни яратиш ва аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдан иборат эканини англадим. Замонавий бозор механизмларининг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда Ўзбекистонда барқарор бозор иқтисодиё-

тини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоқини изчил тараққий эттириш учун кулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таъсирга сазовор.

Конференция бўлиб ўтган муҳташам Симпозиумлар саройининг маҳобати ва таровати мени лол қолдирди. Президент Ислам Каримов госяси билан ўзига хос услубда бунёд этилган ушбу иншоот катта меҳр билан қурилгани кўриниб турибди.

Андерс СТОЛАН,

«International Development Norway» компанияси президенти (Норвегия):

— Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислохотлар самарасида мамлакатингизнинг жаҳон бозоридagi ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича пухта шаклланган механизми бугун энг ривожланган мамлакатларни ҳам юртингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга ундаётгани маълум. Айни кунларда Норвегия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган молиявий лойиҳа устида иш олиб бораёмиз. Мамлакатингизда хорижий сармоядорлар билан иш юритиш учун

кўплаб имкониятлар ва имтиёзлар, кўнун билан кафолатланган преференциялар мавжуд. Бу омиллар ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга, ҳамкорликда қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшаётди.

Айни вақтда Норвегия технологиясини Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғига жалб этиш борасида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан музокара олиб бораёмиз. Ўзбекистон — нефть ва газ санъатиди катта салоҳиятга эга мамлакат. Умид қиламики, ўзаро ҳамкорлигимиз самарасида мамлакатингизнинг бу борадаги имкониятлари янада кенгайди.

Герд ЛЕНГА,

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси раиси (Германия):

— Иқтисодиётнинг муҳим сектори — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган мазкур халқаро конференцияда қатнашиш мен учун катта шараф. Мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга мамлакатингиз Президенти Ислам Каримов алоҳида эътибор қаратаётганини кўриб жуда қувондим. Бугунги кунда мамлакатингиздаги мавжуд барча ҳўжалик субъектлари-

нинг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этар экан. Бу Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий секторни ривожлантириш, соҳа хуқуқий асосини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бераётган самаралардандир.

ЎЗА МУХБИРЛАРИ
Мадина УМАРОВА,
Надира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Партиялараро баҳс

СИЁСИЙ КУРАШ АСОСЛИ БЎЛСА

электорат манфаати ҳимоясига қаратилса, бундан барча манфаатдор бўлади

2-бет

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

BARQAROR IJTIMOY-IQTISODIY RIVOJLANISHNING MUHIM OMILI

www.uzbekistonovozi.uz



Ижтимоий ҳимоя

ҲАМ ЎҚИТАДИ, ҲАМ СТИПЕНДИЯ БЕРАДИ, ҲАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

ЯҚИНДА МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН КўПЛАБ ЁШЛАРИМИЗ ЎЗЛАРИ ОРЗУ ҚИЛГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИБ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРДИ. ДАВЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН ЎТА ОЛМАГАНЛАРНИ ҲАМДА ВАҚТИНЧАЛИК ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУ БОРАДА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КўРИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТДИК.

→ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ

аввало оналарга кўрсатилаётган эътиборга боғлиқ

Таъкидланганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлигини сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели ўз самарасини бермоқда. Олиб борилаётган эзгу сый-ҳаракатларимиз жаҳон миқёсида кенг эътироф этилаёпти. Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган симпозиумда қатор тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Бу тавсиялар профилактик йўналишни ривожлантиришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда айрим-айримларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб борилаётган.

Жумладан, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси айна пайтада биринчи ўқишга тайёрланмоқда. Шунингдек, халқаро тиббий санитария қоидаларини жамлаган қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш гоёси ҳам мавжуд. Бу инфекцион касалликлардан ташқари экологик хавф дунё миқёсида тарқалишнинг олдини олишга, электромагнит нурланиш, компьютер технологияларини қўлланнинг салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган вазифалар ҳам олдinda турибди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



— Соғлом оилада соғлом авлод дунёга келади, тарбияланади, — деди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази директори Дилором Аҳмедова. — Шу боис оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилаёпти. Масалан, 2011 йил 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан, 150 мингга яқин аёл скрининг текширувдан ўтқа-

зилди. Қишлоқ жойларда истикомат қилаётган 243 мингдан ортиқ хомилдор аёл поливитамином билан таъминланди. Энг муҳими, бу эзгу ишлар ўз натижасини бераёпти. Кейинги 10 йилда туғма нуқсон билан туғилиш ҳолати 32,4 фоизга камайгани, хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга ўзгариши фикримиз далилидир. Шунга қарамай, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Биринчи навбатда, ёшларни

оилавий ҳаётга тайёрлаш, тиббий маданиятини ошириш, соғлом оила асослари ҳақидаги тушунчасини бойитиш зарур. Шунингдек, семинарда мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлод соғлигини муҳофаза қилишга жамоатчиликни кенг жалб этиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро баҳс

СИЁСИЙ КУРАШ АСОСЛИ БЎЛСА

электорат манфаати ҳимоясига қаратилса, бундан барча манфаатдор бўлади

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЎРАСИДАГИ СОҒЛОМ РАҚОБАТНИНГ КУЧАЙИШИ ЭНГ АВАЛЛО МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШАЁТГАНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ПАРТИЯЛАРАРО БАҲС-МУНОЗАРАЛАРНИНГ ТОБОРА ЖОНЛАНИБ БОРАЁТГАНИ ҲАМ АНА ШУ ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР САМАРАСИДИР.

Партиялараро ҳолис гоёвий муносабатлар, асосли тортишувлар электорат сиёсий маданиятини оширишга, ўз навбатида демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Бироқ, айрим мақола-лардаги юзакли фикрлар ёки асоссиз давволардан номига баҳс юритилаётгани, танқид учун танқид ёзилаётгани сезилиб қолади. «Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 12 сентябрь сонидан чоп этилган «Сайловолди ваъдалар. Уни ЎзХДП Ховос туман кенгашидаги депутатлар унутишган кўринади» сарлавхали мақола эълон қилинди. Унда Халқ депутатлари Ховос туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаолияти танқид қилинган. Мақола асосли бўлса, инкор этиш қийин, тортишув ўринсиз бўлади. «Миллий тикланиш» мухбири А.Норкулов келтирган маълумотлар ҳақиқатга мутлақо зидлиги учун унга эътироз билдириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Масалан, мақолада шундай дейилади: «Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман Кенгашининг 4 та сессияси бўлиб ўтган. Сессиялар кун тартибига қўйилган масалаларни кузатар эканмиз, туман Кенгашидан энг кўп депутатлик ўрнини эгал-

лаган ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакиллари сессияларда сайловчилар ва электорат манфаатларини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан аниқ таклиф ёки ташаббус билан чиқишмаганига гувоҳ бўлдик». Газета мухбири дадил туриб айтган бу фикрга оид танқид киритиш мақсадида халқ депутатлари Ховос туман Кенгашига оид ҳужжатлар билан танишдик. — ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ўтган йилнинг 4 февралда «Аҳолининг табиий газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлини ҳамда коммунал тўловлар ҳақида» жорий йилнинг 12 июлида эса «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлик даражасини ошириш тўғрисида»ги масалалар халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида кўриб чиқилди, — дейди туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Фахриддин Абдусатторов. — Умуман, 2011 йили бўлиб ўтган 6 та сессиянинг 3 тасида, жорий йилнинг шу даврига қадар ўтказилган 4 та сессиянинг 2 тасида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришга қаратилган муҳим таклифлар кун тартибига киритилди ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Халқ депутатлари Ховос туман Кенгашида ЎзХДПнинг 24 нафар депутати бор. Улар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электоратни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш юзасидан қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида партияимиз депутатлари мутавадди ташкилотлар раҳбарларига 28 та депутатлик сўрови юборди, 87 марта сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Туман партия кенгаши қрошидаги Жамоатчилик қабулхонасида эса 142 нафар фуқарони қабул қилиб, уларга тегишли масалалар ва муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам берди. Бу далиллар халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг фаолияти бевоқиф партияимизнинг Сайловолди дастурини амалга оширишга қаратилганини тасдиқлайди. Қизиқ, «Миллий тикланиш» мухбири ЎзХДП депутатлари ташаббус кўрсатмапти, деган фикрни қаердан олди экан? Ахир журналист ахборотнинг тўғрилигини аввал текшириб, кейин тарқатиши зарур эмасми? Ёки қонунларимизда белгиланган бундай меъёрнинг «Миллий тикланиш» мухбири учун аҳамияти йўқми? Сиёсий баҳсга киришишдан олдин киши пухта тайёргарлик кўриб, чуқур ўйлаб, сўнг гапирини, айтган сўзи учун жавобгарлиқни ҳис қилиши талаб этилади.

Мақолага «Сайловолди ваъдалар. Уни ЎзХДП Ховос туман кенгашидаги депутатлар (?) унутишган кўринади» деб сарлавҳа қўйилишининг ўзиёқ муаллифнинг савиясини кўрсатиб турибди. Сиёсий партия нашрида фаолият юритаётган мухбир наҳотки туман партия кенгаши билан халқ депутатлари туман Кенгашини фарқлай олмас? Ахир депутатлар бирор партиянинг туман (вилоят, шаҳар) кенгашига эмас, балки халқ депутатлари туман (вилоят, шаҳар) Кенгашига сайланади-ку. Партиялар эса ўз номзодларини кўрсатади, холос.

Газета мухбири ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаолиятини танқид қилмоқчи бўлади-ю аммо ўз партиясининг фаолиятига тўхталмайди? ЎзМТДП Сайловолди дастурида партия хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш асосида саноат корхоналарини ва иқтисодийнинг бошқа секторларини доимий равишда модернизациялаш орқали рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш чора-тадбирларининг амалга оширилишига қўмаклашишни ўзининг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси деб ҳисоблаши қайд этилган. Бир қарашда вазифа ўта долзарб. Бироқ, у амалга ошмаса, бундан кимга наф?

«Миллий тикланиш» мухбири ўз мақоласида туманда «Саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни тарқибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастур» асосида 22 та лойиҳа амалга оширилаётганини таъкидлайди. Мазкур йўналишдаги ишларга қўмаклашишни ўзининг устувор вазифаси, деб билган бу партиядан сайланган депутатлар (уч нафар) қандай таклиф ва ташаббус билан чиққани билан қизиқдик. Бироқ бунга бирорта ижобий мисол топилмади. Мазкур туманда Миллий тикланиш демократик партиясининг таъсир кучи қандайлиги, нега атиги уч нафар депутат сайлангани, уларнинг амалий ишлари негадир мухбирни ташвишлантирмади.

Жойларда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳада ишлаётган кишилар меҳнатини қонунийлаштириш бўйича муаммолар оз эмас. Шундай экан, партиялараро баҳс-мунозаралар ёлгон маълумотлар асосида эмас, электорат манфаатини таъминлаш йўлидаги кураш орқали олиб борилса, бундан барча манфаатдор бўлади, деб ўйлаймиз. Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Миллий матбуот марказида

ҲАР КУНИ ЎЗИМИЗГА, РЎЗФОРМИЗГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР ХАРИД ҚИЛАМИЗ, КОММУНАЛ, ТРАНСПОРТ, ПОЧТА ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАМИЗ. ХЎШ, АНА ШУ ХИЗМАТЛАР БУГУН БИЗНИ ҚОНИҚТИРАЯПТИМИ? ОДАМЛАР УЛАРНИНГ СИФАТИДАН МАМНУНМИ? ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДА ҲУҚУҚЛАРИМИЗ БУЗИЛГАН ВАЗИЯТДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИМИЗ КЕРАК? ЎЗ МАНФААТЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН БИЛИМ ВА ТУШУНЧАМИЗ ЕТАРЛИМИ?

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ

давлат ва жамоат ташкилотлари ҳимоясида

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида шу масалалар хусусида фикр алмашилди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни мавзусига алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Бугунги кунда юртимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Хусусан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси 500 минг нафар аъзони бирлаштирган. Унинг таркибиде 14 та ҳудудий бирлашма, 195 та туман (шаҳар) жамиятлари, маҳалла, қорхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда 9000 дан ортиқ таянч гуруҳлари самарали иш олиб бормоқда.

Таъкидландики, федерация фаолияти «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилади. Федерация асосий эътиборни истеъмолчилар ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорига сифатсиз, одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймастик, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ҳамда истеъмол маданиятини оширишга қаратмоқда.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда сиёсий партиялар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораёпти,

чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилади. Федерация асосий эътиборни истеъмолчилар ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорига сифатсиз, одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймастик, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ҳамда истеъмол маданиятини оширишга қаратмоқда.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда сиёсий партиялар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораёпти,

— деди Федерация раиси Акром Мирзаизов. — Жойларда савдо-сотиқ, коммунал, почта-алоқа хизматлари, жамоат транспорти ҳамда бошқа хизмат турлари бўйича муаммоларни ўрганиб, уларга ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ечим топаёпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 6597 та шикоят ва ариза тушган. Уларнинг 92 фоизи ижобий ҳал этилиб, бир миллиард 624 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди.

Ҳақиқатан ҳам бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик тамойилларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Анжуманда мутахассислар журналистларнинг бу борадаги саволларига батафсил жавоб берди.

Гулрўх САЙФИДДИНОВА

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш талаб даражасида эмас

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТУМАН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА 217 ТА МУРОЖААТ ТУШДИ. АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲИМОЯГА ҚАТЛАМИНИ ҲАЛ ЭТИШ, МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИ БЎЙИЧА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ БОРАСИДА НУКУС ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИДА ИБРАТЛИ ТАЖРИБА ТЎПЛАНГАН.

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида «Электорат билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш» мавзусида ташкил этилган семинарда бу ҳақда алоҳида сўз юритилди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти таҳлил этилиб, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Электорат билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш учун аввало, партия кенгашлари, депутатлар ва бошлангич ташкилотлар кучи ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш лозимлиги уқтирилди.

— Электоратимиз манфаатини самарали ҳимоя қилиш учун, аввало, улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш керак, — деди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қувватбай Қурбанбаев. — Бу борада ўзини оқлаган, тажри-

бада синалган усуллардан бири Жамоатчилик қабулхоналаридир. Қабулхона ишини яхши йўлга қўйса, бу сайловчилар билан бевоқиф мулоқот ўрнатилиши, уларнинг муаммоларини билиш ва бартараф этишда яхши самара беради. Бироқ бу имкониятдан ҳамма жойда ҳам талаб даражасида фойдаланилмаёпти. Масалан, Шуманай туман партия кенгашидаги қабулхонага шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бор-йўғи 3 та мурожаат тушган. Бу партия кенгаши электорат билан ишлашда сусткашликка йўл қўётганини аналгатади. Шундай ҳолат Тахياتшо шайри, Қараўзак, Мўйноқ, Қўнғирот туманларида ҳам кузатилади. Ваҳоланки, жойларда аҳолини ташвишга солаётган муаммолар оз эмас. Мазкур туман партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари талаб даражасида ишлаганида одамлар ундан хабардор бўларди ва табиийки, ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар кўпаяр

эди. Семинарда бу ҳақда сўз борар экан, Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш электорат манфаатини ҳимоя этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтирилди. Шунингдек, депутатлар фаолигини ошириш, бошлангич ташкилотлар ишини кучайтириш, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Билдирилган таклифлар асосида партия ташкилотлари ва депутатларнинг мазкур йўналишдаги вазифалари белгилаб олинди. Маҳаллалар, олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли билан партия фаоллари ва депутатларнинг эркин мулоқоти, кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Реймбой ЕСИМБЕТОВ, Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ.

Қизиқ, «Миллий тикланиш» мухбири ЎзХДП депутатлари ташаббус кўрсатмапти, деган фикрни қаердан олди экан? Ахир журналист ахборотнинг тўғрилигини аввал текшириб, кейин тарқатиши зарур эмасми?

ҲАМ ЎҚИТАДИ, ҲАМ СТИПЕНДИЯ БЕРАДИ, ҲАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ



— Ҳозирги вақтда вазирилик тизимидаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ҳар йили 25-30 мингдан ортиқ ишсиз ёшлар турли ташилот ва корхоналарнинг буюртмасига биноан янги, замонавий касбларга қайта ўқитилмоқда, — дейди вазириликнинг ахборот хизмати раҳбари Умарбек Султанов. — Бунда юртимиздаги 217 та базавий касб-хунар коллежлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари имкониятидан унумли фойдаланилаётган.

Айни пайтда мамлакатимиздаги Олий таълим, Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида 2 миллион нафарга яқин ёшлар таълим-тарбия олмақда. Ҳар йили 630 мингдан ортиқ йигит-қиз ўқишни тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг кўпчилиги ўз соҳасида меҳнат фаолиятини давом эттириш имкониятига эга. Шу билан бирга, улар орасида вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлари ҳам оз эмас. Шунини инобатга олган ҳолда вазириликнинг жойлардаги марказлари томонидан ҳудудларда ҳокимият ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

меҳнат бозори ярмаркалари ташкил этилмоқда. У ерда минглаб ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Шундай бўлса-да, тез ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида қисқа муддатларда янги, замонавий ишчи кадрларни тайёрлайдиган таълим муассасаларига эҳтиёж сезилаётган.

Буни инобатга олган ҳолда Вазирилик Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) иштирокида Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ўртасида имзоланган «Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»ги Келишувга кўра, пойтахтимизнинг Сергели туманида жорий йилда Касб-хунарга ўқитиш маркази ташкил этилди. Ушбу марказда ҳозир 360 нафар ўқувчи таълим олмақда.

— Марказимиз машинасозлик, электротехника ва электроника, ахборот технологиялари ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш каби тўрт йўналишда касб ўргатмоқда, — дейди марказ директори Равайнбек Ибрагимов. — Ўқув даргоҳимиз энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ускуналар, дастгоҳлар



ўқув қуроллари ва қўлланмалар билан жиҳозланган. Марказда ўқиш жараёни корхоналарнинг ишчи-мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда 10 ой давомида таълим берилади ва диплом топирилади. Ўқитиш янгича усулда, яъни 30-35 фоизи назарий ва 65-70 фоизи амалий машғулотлар орқали ўтилиши уларни мутахассис сифатида шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар 6 ой давомида назарий ва амалий билим олади, ўқинишнинг қолган 4 ойида амалиёт ўталади. Уларга ўқиш давомида ҳам, амалиёт давомида ҳам бир минимал иш ҳақи миқдоридан стипендия ва машўлаб борилади. Марказда вилоятларимиздан келган ўқувчилар учун 100 ўринли ётоқхона мавжуд. Энг асосийси, бу ерда таълим олган ҳамда касб тайёрларигидан ўтганларнинг

барчаси иш билан тўлиқ таъминланади. Ҳозирданок 100 га яқин турли ташкилот ва корхоналардан ўзларига керакли бўлган мутахассисларни тайёрлаб бериш бўйича буюртмалар келиб тушди. Марказда ўқиб, замонавий касб-хунарни эгаси бўлишни хоҳлаётганлар жойлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилишлари мумкин. Қабул жараёнида вақтинчалик иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ёшлардан керакли ҳужжатлар қабул қилинади. Суҳбатдан ўтказилиб, сўнг марказга ўқишга йўланма берилади. — Мен автомобилларга хизмат кўрсатиш йўналишида соҳамга оид касб сирларини ўрганмоқдаман, — дейди тошкентлик Жасур Лакимов. — Ўқишга келишимдан олдин автомобил-

ларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида бир муддат ишлаганман. Бу ерда касб-хунар эгаллаш учун барча шароит яратилган. Мисол учун республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг намунавий моторлари, уни соз ёки носозлигини аниқлайдиган аппарат, бир сўз билан айтганда, автомашинани тузатиш учун зарур бўладиган барча асбоб-ускуналар ва жиҳозлар мавжуд. Орзуим — «GM UZBEKISTAN» қўшма корхонасида ишлаб, Ватанимизга фойдаси тегадиган мутахассис бўлиш.

— Мен Сирдарё вилоятининг Боёвут туманиданман, — дейди Максуджон Қодиров. — Айни пайтда электротехника ва электроника йўналишида таълим олмақдаман. Ўзим тумандаги Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини тамомлаганман. Электротехникага қизиқишим кучлиги боис, марказга ўқишга келдим. Мен 10 ой давомида бир неча соҳадаги мутахассисликка эга бўламан. Булар — автомобилларнинг электротехникаси, лифтсозлик, завод ва фабрикалар ҳамда уларнинг электр тизимларини монтаж қилиш электротехника мутахассислиги ҳисобланади.

Бундай марказлар меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда, иқтисодийнинг реал сектори, шунингдек, корхона ва ташкилотларга малакали, ишга сидқидилган ёндашадиган ташаббускор кадрлар билан таъминлашга ёрдам беради. Тўғриси айтганда, бу ўқув масканида яратилган шароит, имкониятлар ҳақида эшитганимда унчалик ишонмаган эдим. Аслида касб ўргатувчи марказлар пуллик бўлар эди. Бу ерда эса ҳам ўқитади, ҳам стипендия беради, ҳам иш билан таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишнинг ёрқин мисолларидан биридир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРГА ЭЪТИБОР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бердақ номидаги Қорақалповистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида шу масалага бағишланган семинар ташкил этилди

Унда янги ўқув йилида университетдаги 39 та бакалавр ва 23 та магистратура мутахассислиги йўналиши бўйича таҳсил олаётганларни керакли адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бунинг учун адабиётларнинг электрон шаклидан кенг фойдаланиш кераклиги таъкидланди.

— Марказимизда жами 650 ўринга мўлжалланган 10 та ўқув зали бор, — дейди университет Ахборот-ресурс маркази директори Қаршига НАУРИЗБАЕВА. — Бу ерда университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари маълумотлар базасига тезкор улашиш ва электрон каталог орқали ўқув адабиётлардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилган. Ахборот-ресурс марказида ZivoNET портали орқали йигирмага яқин олий ўқув муассасаларининг сайти билан улашиш имкони мавжуд. Шу йил TUID eLib дастури бўйича ишланган электрон каталогга ўн мингдан ортиқ адабиётлар, тўрт мингга яқин дарслик ва ўқув қўллан-

малар ҳамда 727 номда йигирма беш мингдан ортиқ лотин алифбосидаги адабиётлар киритилди. Семинардан кейин таълим йўналишлари бўйича уч мингга яқин янги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг электрон вариантлари компютерларимизга жойлаштирилди.

Шунингдек, Марказдан фойдаланувчилар учун 150 дан ортиқ номдаги газета-журналларга обуна бўлганмиз. Яқинда келгуси йил учун газета-журналларга обуна бўлиш режаси ишлаб чиқилди.

Унинг айтишича, булардан ташқари йил охиригача Марказ уч мингга яқин янги китоблар билан тўлдирилади.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

«DRAGON»

юқларни орбитага олиб чиқади

Американин «Space-X» компанияси томонидан қурилган «Dragon» космик кемаси жорий йилнинг октябрь ойида сайёрамиз орбитасидаги халқаро космик станцияга белгиланган юқларни етказиб беради ва 12 та экспедицанти амалга оширади. Бу иш юзасидан АҚШнинг Аэроавиатика ва коинот кенгликлари ни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA билан 1,6 миллиард долларлик шартнома имзоланган.



Келгуси йил қишда уни синовдан ўтказишни мўлжалламоқда. Тижорат асосида коинотга парвозни амалга оширувчи ракеталар яратиш ҳам кун тартибига кирган. «Sierra-Nevada» компанияси 2016 йилда коинотга 7 кишини олиб чиқувчи «Dream Chaser» ракетасини парвозга тайёрламоқчи.

«Вести.гу» сайти хабар қилишича, айни пайтда «Dragon» кўп марта фойдаланиладиган ягона космик кемадир. У май ойида орбитага синов парвозини муваффақиятли амалга ошириб, ХКСдаги космонавтарга озиқ-овқат захирасини етказган.

Дарвоқе, эндиликда АҚШда космик кемалар яратиш билан бир неча компания шуғулланмоқда. NASA хабарига қараганда, «Orbital sciences» фирмаси ҳам юк ташувчи космик кемалар устида иш олиб бормоқда.

«Boeing» корпорацияси эса NASA буюртмасига кўра, Ер орбитасига оғир юк ташувчи ракета ҳамда узоқ коинотга парвозни амалга оширувчи «Orion» космик кемаси конструкцияси билан шуғулланмоқда. «Orion»нинг экипажсиз синов парвозлари 2014 йилда, «Boeing»нинг оғир юк ташувчи ракеталари эса 2017 йилда тажрибадан ўтказилади. Уларнинг лойиҳа ва парвоз синовларига NASA 1,1 миллиард доллар миқдоридан маблағ ажратмоқда.

КЕЙИНГИ 13 ЙИЛДА

энг баланд кўрсаткич

Жорий йилнинг иккинчи чорагида Францияда ишсизлик даражаси кейинги 13 йилда энг юқори нуктага етди, дея хабар беради «Bloomberg» нашри. Ҳозир ишсизлар аҳолининг 10,2 фоизини ташкил этади.

Мамлакатда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиб, кўпгина компаниялар иш ўринларини қисқартиришга мажбур бўлаётгани ишсизликнинг ортишига сабаб бўлмоқда.



Франция иқтисодиётида жорий йилнинг ўтган уч чорагида ҳам ўсиш кузатилмади. Қўшни Италия ва Испания иқтисодиёти айни пайтда рецессияга учирагани ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Бугунги кунда Францияда 3 миллион одам нафақа пули сўраб худудий маълумотларга расмий мурожаат этган.

Умуман, ишсизликнинг ортиб бориши Европа мамлакатлари учун янгилик бўлмади қолди. Масалан, Испанияда аҳолининг чорак қисми ҳозир ишсиз бўлса, Грецияда бу кўрсаткич 24,4 фоизга етди.

Буюк Британияда ҳам иқтисодий аҳвол қувонарли эмас. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши жорий йилнинг иккинчи чорагида биринчи чоракка нисбатан 0,5 фоиз қисқарган. Бу ҳақда Бирлашган Қиролликнинг миллий статистика бюроси маълум қилди.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Миллий матбуот марказида

ЎЗИМИЗНИНГ БЕМИННАТ НОН —

тинчлик ва фаровон турмуш тимсоли

ОДАМЗОД УЧУН ЯРАТИЛГАН НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ АЗИЗИ, ШУБҲАСИЗ, БУ НОН ҲИСОБЛАНАДИ. ХАЛҚИМИЗДА «НОНИНГ БУТУН — РИЗКИНГ БУТУН», ДЕГАН ҲИҚМАТ БОР. НОН — ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК, ФАРОВОН ТУРМУШ ТИМСОЛИ. ЎЗ НОНИ ВА ДОНИГА ЭГА ХАЛҚ БЕХАВОТИР ЯШАЙДИ, ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ, БОШҚАЛАРГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ.



Юртбошимизнинг бу йил мамлакатимиз галлакорларига йўлланган табригида куйидаги жумлалар бор: «Ер юзидаги барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, эзгу орзу-ниятларини, биринчи навбатда, шу азиз неъмат тимсолида тасаввур қилиши бежиз эмас, албатта».

Дон — нон ҳақида гап кетганда, 1990 йил охирида, айнан Мустақилликка эришиш арафасидаги танг аҳвол ёдга тушади. Ушанда ички эҳтиёжимизни қондириш учун кимларгадир бош эгиб, катта маблағлар эвазига донни четдан келтиришга мажбур эдик. Уша даврда республикада 1 миллион тоннадан зиёроқ галла ҳосили олинар, ҳар бир киши йилга ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилар, ҳар йили четдан мамлакатга ўртача 3 миллион тоннага яқин бугдой келтирилган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг илк кунлариданок ўз доминизига эга бўлиш, дон мустақиллигига эришиш масаласини муҳим стратегик вазифа сифатида белгиланган ва ўз вақтида қурилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Яқинда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг маҳаллий ва хорижий ОАВ учун бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам ушбу масалалар хусусида сўз борди. Шунингдек, компания раиси Эркин Қудратов тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Дастурлар асосида ўтган йилда жами 31 миллиард сўмдан ортиқ қийматга эга бўлган 51 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган бўлса, жорий йил якунига қадар қиймати 43 миллиард сўмдан зиёд бўлган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу боис ҳам компаниямиз томонидан Германия, Швейцария, Австралия каби дуненинг ривожланган давлатларининг энг замонавий мини техникаларини, технологик линияларини харид қилиш, олиб келиб ўрнатилган юзасидан тегишли шартномалар имзоланди.

Албатта, замонавий техника ва технологиялар дон маҳсулотлари сифатига таъсир этса, сара уруғ ҳисобига унинг ҳосилдорлиги ошади. Шундай экан, маҳсулот сифати жуда кўп омиллар, аввало, навни танлаб олиш, уни меҳр билан экиш, парваришlash ва ўз вақтида етиштиришдан тортиб, то уни асраб-авайлаб, оқилона сақлашгача бўлган жараёнлар билан узвий боғлиқ. Компания республикамиз уруғчилик ва селекция илмий-тадқиқот институтлари билан сифатли галла навларини яратиш, уларни иқлим ва сув шароитига

маслаштириш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Шуниси қувонарлики, тармоқ таркибидagi корхоналарда иш ўринлари яратиш янги ишлаб чиқариш цехларини қуриш билан бирга, бошқа йўналишлар, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари — озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, тезкор пул тўлов хизмати, ошхона, тикувчилик цехлари, пойабзал таъмирлаш устандаларини ташкил этиш, шунингдек, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш ҳисобига ҳам амалга оширилмоқда.

Яратилаётган иш ўринларига зарур мутахассисликка эга бўлган касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга олиш юзасидан ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, республикадаги касб-хунар коллежларининг соҳага тааллуқли йўналишлари бўйича битирувчиларининг 502 нафари, бошқа йўналишлар бўйича битирган ўқувчиларнинг 213 нафари тизим корхоналарига ишга қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОЧИҚ БИРИНЧИЛИГИДА

Беғу голиб чиқди, Векич эса мусобақа кашфиётига айланди



ЎН ТЎРТИНЧИ МАРТА ЎТКАЗИЛГАН АЁЛЛАР ТЕННИС АССОЦИАЦИЯСИ (WTA) ТАСНИФИГА КИРУВЧИ «ТОШКЕНТ ОПЕН» МУСОБАҚАСИ ДУНЁ ТЕННИС МУТАХАССИСУ МУХЛИСЛАРИГА ЯНГИ НОМЛАРНИ КАШФ ҚИЛИБ БЕРДИ. САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН 16 ЁШЛИ ХОРВАТИЯЛИК ДОННА ВЕКИЧ БАРЧА ЎЙИНЛАРДА МАҲОРАТИНИ НАМОЁН ЭТИБ, АСОСИЙ БОСҚИЧНИНГ ФИНАЛИГА ЧИҚДИ. У ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНДА 22 ЁШЛИ РУМИНИЯЛИК ИРИНА-КАМЕЛИЯ БЕГУГА ЮТҚАЗГАН БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ (4/6, 4/6), БАРЧАДА ЁРҚИН ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

Кўпчилик финал мусобақасини томоша қилар экан ҳозирги кунда дунёнинг 1-ракамли теннисчиси белоруссиялик Викториа Азаренкони эсга олди. Чунки Азаренко ҳам бир неча йил илгари айнан «Тошкент опен»да саралаш мусобақасидан асосий босқич финалигача етиб бориб, теннис мухлислари назарига тушганди. Шунингдек, Тошкент кортларида россиялик Динара Сафина, хитойлик На Ли каби таниқли теннисчилар ҳам илк совринларини қўлга киритган. Мутахассислар фикрича, Векич ҳам олдинда ана шундай галабалар кутиб турибди.

фаолияти давомида WTA мусобақаси бош совринини илк бор айнан Тошкентда қўлга киритганини эслаб юрадиган бўлди. Бу истеъдодли теннисчи яқинда нихоясига етган АҚШ очиқ биринчилигида дунёнинг собиқ 1-ракеткачиси Каролин Вознякчини мағлубиятга учратганди. Келгусида Беғу нуфузли мусобақаларда голиб чиқиб, зафарли йўлини бошлаб берган Тошкентни эслашига шубҳа қилмасак бўлади. Чунки «Тошкент опен» мусобақалари маълумотлари аллақачон интернет веб-сайтларидан ўрин олди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Асрор МҮМИН



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Баъзилар фарзандларини зўрлик билан, жаҳлу ҳақорат билан уйдан кўчага, ҳатто, ўйнашга ҳам чиқармайдилар. Бола бу амрга итоат қилиб, уйдан чиқмай юрса, «одобли бола» дейдилар. Бундай одамларнинг ҳаракати хатодир. Ҳавоси оғир бўлган уйларда узоқ вақт бўлиш, ҳаракат қилмаслик, ҳатто, ўйнамаслик кўп касалликларга сабаб бўлади. Бола дангаса ва ишбилмас бўлиб ўсади. Хилватга ўрганган бола улғайгандан кейин ҳам хонадан чиқмайди, одамларга қўшила олмайди. Бир жойда камҳаракат бўлиб ўтириш одамни ҳам заифлаштиради. Ваҳоланки, баданнинг роҳати ҳаракат саналади. Боланинг югур-югуришида, ўйнашида ҳеч қандай зарар йўқ. Бир жойда ҳаракат қилмасликда кўпроқ зарар бор. Ҳаракат вақтида танада қон югуради, иштаҳа очилади, баданга қувват кириб қалбни очади.

Абдурауф ФИТРАТ

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан 2012 йилнинг 28 август куни Миллий банк томонидан пул ютуқли тираж ўйинлари ўтказилди. Ушбу тиражда Миллий банк тизимида 10 йилдан ортиқ мижоз ҳисобланган, миллий ва хорижий

валютада мuddатли омонат ҳисоб-рақамига эга бўлган омонатчилар иштирок этдилар. Тираж ўйинлари натижасида 63 та омонатчининг талаб қилиб олгунча ҳисобварақларига умумий суммаси 30 500 000 сўм бўлган пул ютуқлари ўтказилди.



ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!
Кўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг интернет бўлими/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг куйидаги корхона устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

Оферта савдосига қўйилган объект номи	Умумий ер майдони, шу жумладан қурилиш ер майдони	Объектнинг жойлашган манзили	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси (сўмдан)
Собиқ АООТ «Хоразмпойабзал» Гурлан филиалига тегишли бино ва иншоотлар, шу жумладан: -маъмурий-хўжалик биноси; -ёрдамчи ва ишлаб чиқариш корпуслари; -қозонхона; -тозалаш иншоотлари; - бошқа мол-мулк.	Бинолар қурилиш ер майдони 9 085,6 кв.м, умумий ер майдони 5,5 га ни ташкил этади.	Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Манғит кўчаси, 5	1%	701 601 000,00

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қилдилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси нрезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШдоллари) да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта тақлифларини қабул қилиш мuddати 2012 йил 18 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Оферта тақлифлари тақдим этилган конвертларни очилиш ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 23 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Тақлифларни очилиш вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул тақлиф киритган талабгор оферта голиби деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби:
Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорда, қолган қисми — олди-соти шарт-

номасида белгиланган мuddатларда. Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш, савдоларни ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда оферта объектини ТИФ Миллий банка гаров ва ипотека шартномалари асосида расмийлаштирилиши билан боғлиқ харажатлар (давлат божлари ва бошқалар) оферта голиби ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг Инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй.
Тел: (8-371)234-45-33, 235-17-02.
Факс:(8-371)234-04-53.
www.nbu.com.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ «СУВОҚОВА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСНИ ИШЛАБ ЧИКИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш мuddати
1.	Каттақўрғон шаҳар ичимлик сув ва канализация тизимини янгилаш бўйича техник-иқтисодий асосни (ТИА) ишлаб чиқиш	200 000 000 сўм	166 666 667 сўм	3 ой

Лойиҳа Самарқанд вилояти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш давлат корхонаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 114-А уй, телефон: (8366) 237-04-08.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмет қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айлана маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фўқароқ-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини

баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциллари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 2371-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10:00 да ўтказилади.

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5